

“Декан кубоги” мусобақаси

“1 октябрь – Устоз ва мураббийлар куни” байрами муносабати билан “Бўш вақтимиз - спорт билан бирга” шиори остида “Гидромелиорация” факультети 1-босқич талаба-ёшлари ўртасида оммавий спортга янада кенг жалб қилиш мақсадида, спортнинг мини-футбол тури бўйича “Декан кубоги” мусобақаси кўтаринки руҳда ўтказилди. Факультет декани доц. А.Фатхуллаев томонидан мусобақа расман очиб берилди.



Мусобақада жами 9та гуруҳ жамоалари ўртасида беллашув бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада 100 нафар талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Мусобақа сермазмун ва самарали ўтказилди. Ушбу беллашув якунида ғолиб жамоаларни ГМ факультети декани А.Фатхуллаев ҳамда декан муовини С.Мансуровлар диплом, кубог ҳамда эсталик совғалар билан муносиб тақдирлашди.



“Жисмоний тарбия ва спорт” кафедраси мудири М.Норқобилов ахбороти

Институт Матбуот маркази раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов